

Фиқҳ дарслари (165-дарс) Намознинг тартиблари



17:00 / 23.12.2021 4160

Намознинг маълум ва машҳур тартибига риоя қилиш – бу улкан ибодатнинг вожиб амалларидан биридир. Қиём, қироат, рукуъ ва саждаларнинг тартиби вожиб, такбири таҳрима билан қаъдаи охирнинг тартиби фарзdir.

Тартибнинг вожиблигига далил:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо намозни тартиб билан ўқиганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни нотүғри ўқиган одамга тартибиға риоя этган ҳолда, намознинг амалларини жой-жойига қўйиб ўқишни таълим берганлар.

Қаъдаи аввал

«Қаъдаи аввал» икки ракатидан кўп намозларда икки ракатни ўқиб, кейин ўтириб, ташаҳҳудни ўқишидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам доимиий равишда бу қаъдага ўтирганлари учун у вожибга айланган. Агар бирор қаъдаи улаани эсидан чиқариб туриб кетса, тарки вожиб қилгани учун саҳв саждаси қиласи.

Ташаҳҳуд

Ташаҳҳуднинг вожиблигига далил:

لُوسَرْ فْلَحْ ةَالْصَلَا يِفْ لُوْقَنْ آنُكْ بَلَاقْ نَعْ هَلَلَا يِضَرْ هَلَلَا دَبَعْ نَعْ
نَآلُفْ بَلَعْ مَالْسَلَا هَلَلَا بَلَعْ مَالْسَلَا لَسْ وَهِيلَعْ هَلَلَا بَلَصَمْ هَلَلَا
وَهَهَلَلَا نَإِ مَوَيْ تَأَذَ لَسْ وَهِيلَعْ هَلَلَا بَلَصَمْ هَلَلَا لَلُوسَرْ آنَلَ لَلَّاقَفْ
هَلَلَ تَأَيَّحْتَلَا بَلَقَيْلَفْ هَالْصَلَا يِفْ مُكْدَحَأَ دَعَقْ آذَافْ مَالْسَلَا
هُوتَكَرَبَ وَهَلَلَا مَمْحَرَوْ يِبَنَلَا آهَيْ أَكَيَلَعْ مَالْسَلَا تَابَيْ طَلَأَوْ تَأَوَّلَصَلَأَوْ
دَبَعْ لَلُكْ تَبَاصَنَأَ آهَلَاقَ آذَافْ آنِيَحَلَّاصَلَا هَلَلَا دَابَعْ بَلَعْ وَآنِيَلَعْ مَالْسَلَا
آدَمَحْمَ نَأُدَهَشَأَوْ هَلَلَا آلَلَإِ آلَنَأَدَهَشَأَ صَرَأَلَأَوْ ءامَمَسَلَا يِفَحَلَّاصَلَلَ
سَمَحْلَأَهَأَوَرْ ءاءَشَ آمَهَلَأَسَمَلَأَنَمُرَيَّخَتَيْ مُثْ هَلُوسَرَوْ دَبَعْ
سَمَحْلَأَهَأَوَرْ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида намозда туриб, «Ас-салому алаллоҳи, ас-салому алалфулони (Аллоҳга салом, фалончи ва фалончига салом)», дер эдик. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга:

«Албатта, Аллоҳнинг Ўзи Саломдир. Бас, қачон бирингиз намозда ўтиrsa:

«Ат-тахиййаату лиллаахи вас-солаваату ват-тойибаату, ассалаamu алайка айиүхан-набийиу ва роҳматуллоҳи ва барокаатуху, ассалаamu алайна ва алаа ибаадиллаахис-солиҳийн - шуни айтса, осмону ердаги Аллоҳнинг барча бандаларига етади - Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдуху ва росулуҳ», десин. Сүнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Жумҳур уламолари томонидан, жумладан, ҳанафий мазҳабида ҳам ташаҳҳудда ушбу сийғани ўқиш қабул қилинган.

هِيلَعْ هَلَلَا بَلَصَمْ هَلَلَا لَلُوسَرَنَأَكْ بَلَاقْ آهَنَعْ هَلَلَا يِضَرْ هَشَئَاعْ نَعْ
نَيِمَلَأَعْلَأَبَرَهَلَلَ دَمَحْلَابَةَأَرْقَلَأَوْ رِيَبْكَتَلَابَةَالْصَلَا حَتَّفَيْ لَسْ وَ
آذَانَأَكَوْ كَلَدَنْيَبْ نَكَلَوْهَوَصُيْ مَلَوْهَسْأَرْ صَحْشُيْ مَلَعَكَرَ آذَانَأَكَوْ
هَسْأَرَعَفَرَ آذَانَأَكَوْ، آمَئَاقَ يِوَتْسَيْ ىَتَحْ دُجَسَيْ مَلَعُوكَرَلَانَمُهَسْأَرَعَفَرَ
لُكْ يِفْ لُوْقَيْ نَأَكَوْ، آدَعَاقَ يِوَتْسَيْ ىَتَحْ دُجَسَيْ مَلَعُوكَرَلَانَمُهَسْأَرَعَفَرَ
بُصْنَيَوْ ىَرْسُيْلَا بَلَجَرُ شَرْفَيْ سَلَاجَ آذَانَأَكَوْ . تَأَيَّحْتَلَا ىَنْيَاتَعَكَرَ
نَأَكَوْ بَعْبَسَلَا شَرْفَنَعَوْ نَأَطَيْشَلَا بَقَعْ نَعْ ىَهَنَيْ نَأَكَوْ، ىَنْمُيْلَا بَلَجَرَ
مُلْسُمَوْ دُواَدَ وُبَأَهَأَوَرَ مِيْلَسَّتَلَابَةَالْصَلَا مُتَحَيْ:

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни такбир ва қироатни «Алҳамду лиллаахи Роббил оламийн» билан очар эдилар. Рукуъ қилсалар, бошларини күтариб ҳам, пастга тушириб ҳам юбормас, лекин ўртача тутар эдилар. Бошларини рукуъдан күтартсалар, ғоз туриб олмагунларича сажда қилмас эдилар. Саждадан бошларини күтартсалар, яхшилаб ўтириб олмагунларича яна сажда қилмас эдилар. Ҳар икки ракъатда «Ат-таҳийяату»ни ўқир эдилар. Ўтирганларида чап оёқларига ўтирап ва ўнг оёқларини тик тутар эдилар. Шайтоннинг ақибидан ва йиртқичнинг ястанишидан наҳий қиласы эдилар. Намозни салом бериш билан тамомлар эдилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифдаги «Ҳар икки ракъатда «Ат-таҳийяату»ни ўқир эдилар» жумласи ҳозирги баҳсимиз учун керак.

Яъни, ўтириб, ташаҳҳуд ўқир эдилар. Агар намоз икки ракъатли бўлса, шу билан тамом бўлар эди. Уч ракъатли ёки тўрт ракъатли бўлса, бу биринчи ўтириш ҳисобланиб, учинчи ёки тўртинчи ракъатдан кейин яна охирги ўтиришга ўтириб, яна ташаҳҳуд ўқилади ва салом берилади.

Ташаҳҳудни араб тилида ўқиши шарт. Имкони бўлган киши ташаҳҳудни бошқа тилда ўқиши жоиз эмас. Билмаган одам ўрганиб олгунича ўз тилида ўқиса бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди